VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

15 (284) ● 2014 йил 16 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор кўрсатиб, улар тафаккуридан жамият маданий ҳаётини юксалтиришда фойдаланишга интилган

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Бугунги кунда Испанияда кўплаб сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар мамлакат ривожи, юксалиши, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Кутубхона ходимларининг диққат-эътибори мустақил республикамиз учун комил инсонларни тарбиялаш, миллий мафкура ва миллий ғояни онгга сингдириб боришга қаратилган

8 КЎЗГУ

Партия лойиҳаси

# Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

## уларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси

***Халқимизнинг бунёдкорлик фазилати, шижоаткорлиги боис истиқлол йилларида юртимиз янгиланиш ва бунёдкорлик диёрига айланди. Бугун ҳар бир юртдошимиз Ватанни обод этиш туйғуси билан яшамоқда. Йилдан-йилга ҳудудлар обод бўлиб, янги иншоотлар, равон йўллару кўприклар, хиёбонлар, маданий-маърифий масканлар бунёд этилмоқда.***

Бу каби ислоҳотлар Андижонда ҳам ўз самарасини кўрсатиб, вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Андижонда ўтказилган икки кунлик ўқув амалий семинар иштирокчилари ҳам дастлаб вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январда қабул қилинган “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Андижон вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишлаб “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаси” деб номланган анжуман “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида бўлиб ўтди.

Давра суҳбати иштирокчиларига дастлаб қўшма корхона ҳудудида техника хавфсизлиги борасидаги видеоролик ҳамда Ўзбекистонда автомобилсозликнинг вужудга келиши ва ҳозирги тараққиёт даври акс этган видеофильм намойиш этилди. Шундан сўнг иштирокчилар корхонанинг ишлаб чиқариш цехида бўлиб, автомобил деталларини йиғиши жараёни билан танишдилар.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маруза қилди:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сиёсий партияларга берилаётган ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш юзасидан бир қатор янги лойиҳаларни илгари сурмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодиёт соҳасидаги стратегик мақсад — аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бу борада ЎзМТДП маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва бутун жамиятга жуда катта зарар етказаётган товарлар контрабандасига қарши курашиш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига, халқаро майдонга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

# Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда лицензиялашни ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ бекор қилиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорларини 2- ва 3-иловаларга мувофиқ қисқартириш;

рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисидаги таклифлари 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда “бир дарча” тамойилини қонун ҳужжатлари даражасида жорий этишни 5-иловага мувофиқ таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни 2014 йилнинг охиригача тамомласин.

3. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун устувор интерактив хизматларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро электрон ҳамкорлигини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириш ва тизимли мониторинг қилиш;

4-бет

Муносабат

***Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни белгилаб берди. Айниқса, унда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг амалга оширилаётгани ислоҳотлар изчиллигини таъминламоқда.***

# Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

## жараёнида ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш — долзарб вазифа

Маълумки, демократик жамият барпо этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

4-бет

Таҳлил

# Ташаббускорлик, изчиллик

## партия гуруҳлари фаолиятидаги энг муҳим омил

***Мамлакатимизда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” парламентаризм ва вакиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини тубдан янгилаш, ваколат ва имкониятлари ҳамда масъулиятини янада ошириш, шунингдек, мамлакатимиз сиёсий тизимини ислоҳ ва модернизация қилиш юзасидан билдирилган фикрлар муҳим аҳамият касб этади.***

3-бет

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Партия лойиҳаси

# Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

## уларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, партиямиз сайловолди Платформасининг иқтисодиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг депутатлик назорати, сўров ва сессиялар кун тартибига киритаётган ташаббус ҳамда таклифлари асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўшимча равишда рағбатлантирилмоқда. Истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш натижасида халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остидаги маҳсулотларни янада кўпайтириш, жойларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва касаначиларни қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш воситасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга партия гуруҳлари ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, халқ депутатлари Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоят Кенгашларидаги партиямиз гуруҳи аъзолари ташаббуси билан сессиялар кун тартибига киритилган ташаббус-масалалар натижасида жойларда ҳунармандлар манфаатлари ҳимоя қилиниб, улар учун бозорларда махсус миллий ҳунармандчилик расталари ташкил этилди. Партиянинг миллий ҳунармандчиликни имтиёзли кредитлаш лойиҳаси доирасида 500 га яқин ҳунармандга 8 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмак берилди.

Партия гуруҳлари томонидан доимий комиссияларда "Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш" масаласи муҳокама этилиб, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришилди.

Шунингдек, партия гуруҳларининг маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун талаблари ҳамда "Миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш борасидаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қарорларнинг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" масаласи натижасида шаҳар ва туманларда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилаётгани ва ушбу қарорлар депутатларимизнинг доимий назоратида бўлиб келаётгани аҳамиятлидир.

Шунингдек, ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, вилоятда туризм, сервис хизмати орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги ҳақидаги масала вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига олиб чиқилди.

2013 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қалбакилаштирилган товарларни республикага ноқонуний олиб кириш ва сотишга қарши курашиш орқали халқаро тажрибада эътироф этилган ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш, маҳаллий корхоналар учун ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори сифатли товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қулай шароит яратиш мақсадида қабул қилинган "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори айнан ЎзМТДПнинг устувор мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари алоҳида фаоллик кўрсатишлари зарур. Бугунги семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорларимизни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган Президентимиз Фармон ва Қарорларининг ижросини таъминлашга кўмаклашиш ва бу борада ЎзМТДП олдида турган вазифаларни муҳокама қилиб, тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат, - деди пировардида партия раҳбари.

Тадбирда алоҳида эътироф этилганидек, партиянинг мазкур "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаси" мавзусидаги лойиҳаси доирасида партия аъзоси бўлган бир қатор маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ҳунармандларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Божхона Қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк вакиллари билан биргаликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорларимизни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган Президентимиз Фармон ва Қарорларининг ижросини таъминлашга кўмаклашилмоқда. Шунингдек, лойиҳа доирасида "Ангрен" махсус индустриал зонасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелда қабул қилинган "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Шу билан бирга, мазкур тадбирларда ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги вазифалари ижроси муҳокама қилиниб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳанинг навбатдаги объекти сифатида "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси танланди. Тадбирда иштирокчиларга мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган ҳуқуқий асослар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилишини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш Дастурига асосан ўтган йил якунида ҳудуд тасарруфидаги 26 та корхонанинг 113 та лойиҳаси киритилган.

Дастур ижроси бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ўтган йилда жами 70,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, дастур прогнози 100,6 фоизга бажарилди ва импорт ўрнини босиш самараси 31,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Давра суҳбатида алоҳида эътироф этилганидек, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини мутаносиб такомиллаштириб бориш бугунги кун талабидир. Шу боис, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгашининг ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқаси ва ҳамкорлиги боис кўплаб корхоналарда партиянинг қуйи бўғинлари ташкил этилган. Жумладан, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариб, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилаётган "Боғишамол текстил люкс", "GM Uzbekistan" автомобиль заводи учун 39 турдаги пластмасса бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи "Андсаноатпласт" корхоналари, цемент ва оҳак заводларига майдаланган тош етказиб берувчи "Ривож" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи "Ширмонбулоқ тош кони" корхоналарида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги дастурий мақсад ва вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишида ташаббус кўрсатишмоқда.

Давра суҳбати таклиф ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлиб, конструктив руҳда ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга кўмаклашиш юзасидан фикрлар алмашилди.

Семинар сўнггида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш юзасидан ЎзМТДПнинг тавсиялари ишлаб чиқилди. "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси қошида бошланғич партия ташкилоти тузилиб, корхонанинг бир гуруҳ ходимларига партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари "Боғишамол текстил люкс", "Андсаноат пласт" корхонаси фаолияти, корхона ишчи-ходимларига яратиб берилаётган имкониятлар билан яқиндан танишдилар. Меҳмонлар асакалик миллий ҳунармандлар фаолияти билан ҳам ўртоқлашдилар. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси эканлиги анжуман иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

## СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА: ТААССУРОТ ВА ХУЛОСАЛАР

***Емберген БАУЕТДИНОВ,***
***ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги бизни руҳлантирди. Айниқса, вилоят Кенгаши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйгани эътиборимизни тортди. Бу бежиз эмас. Чунки электорат вакилларини қўллаб-қувватлаб турсагина партиянинг мавқеи ошади, фаолияти ривожланади. Андижонлик партиядошларимизнинг бу борадаги муваффақиятини семинар кунлари Тошкентдан олинган бир хушхабар ҳам тасдиқлади. "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларидан бири, миллий созлар устаси, "Ғижжаки Бобурий" корхонаси раҳбари Абдумалик Мадраҳимовнинг "Ташаббус" танловининг республика босқичида 1-ўринга муносиб топилгани ҳақидаги хушхабар энг аввал партия Кенгашига етказилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партия вилоят Кенгаши қошида Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Кенгаши ташкил этилганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур Кенгаш банклар билан ишлаш, шартномалар тузиш, имтиёзли кредитлар олиш борасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳуқуқий йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришни йўлга қўйган. Бу тажрибани партия Қорақалпоғистон Кенгаши фаолиятида ҳам самарали қўллашни режалаштирдик.

***Қобилжон СОБИРОВ,***
***"Фидокорона меҳнатлари учун" ордени соҳиби, "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аъзоси:***

— Ўз сайловолди Платформасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни белгилаган ЎзМТДПнинг бу борадаги лойиҳа ва ташаббусларидан яхши хабардорман. Лойиҳанинг навбатдагиси айнан бизнинг қўшма корхонада ташкил этилиши ҳам корхонада меҳнат қилаётган жамоага кўтаринкилик бахш этди. Иштирокчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДП фаолияти ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳияти билан танишдилар. Бир сўз билан айтганда, мазкур йиғилиш иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишга хизмат қилди. Корхонамизнинг бир гуруҳ фаол ходимларига партия аъзолик гувоҳномалари топширилиб, бошланғич партия ташкилотининг ташкил этилгани бизни партияга янада мустаҳкам боғлади.

***Шоирахон ИСРОИЛОВА,***
***"Боғишамол текстил люкс" корхонаси раҳбари, партия фаоли:***

— "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолияти билан таниша туриб, бу ерда 400 нафардан ортиқ касаначилар фаолият юритаётгани эътиборимни тортди. Бевосита текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланганимиз боис, корхонада касаначиларга яратилган шароитлардан мамнун бўлдим. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқли маҳсулотларимиз бугун ўзбекнинг иқтидори, истеъдодига берилган баҳодир. Бугунги тадбир иштирокчиларининг корхонамизга ташриф буюриб, ходимларимиз билан суҳбатлашиб, уларга партия аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғаларини улашишгани жамоамизни янги ютуқларга ундаши шубҳасиз.

Кўргазма семинар

# Партия ташкилотлари ва гуруҳлари

## фаолиятини демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида янада кучайтириш талаб этилади

***Андижонда ўтказилган икки кунлик ўқув-амалий семинарнинг навбатдагиси "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия ташкилотлари ва гуруҳлари иштирокини кучайтиришнинг долзарб вазифалари"га бағишланди.***

Семинар партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратовнинг партия фаолиятининг долзарб вазифаларига оид маърузаси билан бошланиб, жумладан, шундай фикрлар ўртага ташланди:

— Кейинги йилларда тобора чуқурлашиб бораётган сиёсий ислоҳотлар сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлашга, энг муҳими, жойлардаги вакиллик органларида партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда, - деди партия етакчиси. — Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партияларарo рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркорлиги ҳам ҳали олдимизда турган вазифалар бисёрлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишда мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилган.

Мазкур ҳуқуқий асослар партия ташкилотлари ва гуруҳларидан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги масъулиятини янада кучайтиришни талаб қилади. Бу борада партиянинг парламентдаги фракцияси, жойлардаги партия гуруҳлари ўзларининг назорат фаолияти таъсирчанлигини таъминлаши, электоратни ўйлантираётган масалаларнинг ижобий ечими борасида самарадорликни ошириши лозим. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳамда ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари, партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш ҳамда партия гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ўқув семинар ҳам шу каби мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

Семинаримизнинг Андижонда ўтаётгани бежиз эмас. Бу борада Андижонда ўрганишга арзирли тажрибалар жамлангани, вилоят партия Кенгаши ташаббускор жамоаси фаолияти учун шароитлар яратилганлиги, ҳар жиҳатдан тўкис жиҳозланган Кенгаш идорасига эгалиги ва бу тарғибот тадбирларини юқори сифат билан ўтказиш имконини бераётгани бизни қувонтиради.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев "ЎзМТДП ижтимоий қатлами ва электорат: таркибий ўзгаришлар, манфаатлар, мақсадлар" мавзусида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— Ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, энг асосийси, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, жумладан, ЎзМТДП ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бугун партиямиздан электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали йўлларини излаб топиш талаб этилмоқда. Бу борада партия фракцияси аъзолари ва жойлардаги партия гуруҳлари томонидан электоратимиз манфаатларини изчил ўрганиб бориш, тегишли масала юзасидан депутат сўрови билан мурожаат қилиш, маълум масалалар бўйича эшитувлар ўтказишга оид таклифлар киритиш, айниқса, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва янги қонун лойиҳаларига оид таклифлар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир. Зеро, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиш бир вақтнинг ўзида партия сайловолди Платформасининг бажарилиши, пировардида электорат манфаатларига хизмат қилади.

Семинарда ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг ўз электорати манфаатларини маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаётганига тўхталди. Шунингдек, партия Хўжаобод, Бўз, Жалақудуқ, Балиқчи туман ҳамда Андижон шаҳар Кенгашларининг ижобий фаолиятига алоҳида урғу берган ҳолда, Марҳамат ва Хонобод партия Кенгашларидаги ишлар у қадар муваффақиятли бўлмаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

— Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашида партиямиздан сайланган 12 нафар депутатдан иборат партия гуруҳи фаолият олиб бормоқда, - деди тадбирда маъруза қилган халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Бобуржон Зиёев. — Партия гуруҳимиз томонидан 2010 йилда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига 2 та масала киритилган бўлса, 2013 йилда электоратимиз манфаатларига молик 9 та масалани сессиялар кун тартибига киритишга эришдик. Фаолиятимиз самараси ўлароқ, ишлаб чиқаришга оид 10 дан ортиқ лойиҳалар тузилди. Уч юзга яқин янги иш ўринлари яратилди. Умумий ҳисобда 60 нафардан ортиқ оилавий тадбиркор ва ҳунармандларга кредит маблағлари берилиши эвазига бизнес курслар ташкил этилди. Ёш маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кашф этилди. Биргина Андижон тумани ҳудудидаги мавжуд 3 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 14 та мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш учун 50 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Йиғилишда сўз олган Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Шодмоной Солиева "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий ҳужжатларини пухта ўргангани ўз фаолиятида ютуқларга эришиш омили бўлганини айтиб ўтди. — Тиббиёт бирлашмамиз қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаолиятини бошлаган пайтда унинг аъзолари сони 12 нафар эди, - деди қуйи бўғин етакчиси. — ЎзМТДП Андижон вилоят ва Хўжаобод туман Кенгашининг изчил ёрдами билан "Миллий тикланиш ғояси — миллий тараққиёт таянчи" мавзусидаги туркум семинар ва кўрик-танловларни ўтказдик. Тадбирларга тайёргарлик давомида партиянинг мақсад ва вазифалари кенг ўрганилди. Унинг бошқа партиялардан фарқи, дастурларининг моҳиятини обдон ўрганиш бирлашмамизда партияга ишонч руҳини шакллантирди. 2013 йил ноябрдан 2014 йилнинг мартигача партия аъзолари сони 570 нафарга етди.

Шунингдек, ўқув семинарда қонунлар, Президент қарор ва фармонлари, ижтимоий йўналтирилган дастурлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Партиявий тарғибот тадбирларини янада жонлантириш борасида маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига аҳолига партия дастурий ғоялари билан бирга депутатлик гуруҳларининг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббусларини ҳам кенг тарғиб қилиш вазифаси юклатилди. Бу каби партиявий тадбирлар жойларда ЎзМТДП тарафдорларининг янада ортишига хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳолига ЎзМТДПнинг позицияси бошқа сиёсий партиялардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириш бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинарда партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари томонидан семинар кун тартибидаги масалалар юзасидан конструктив таклифлар берилди.

Семинар якунида билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида партия ташкилотлари ва гуруҳларининг фаолиятини жиддий кучайтириш, тадбирлар самарадорлигини ошириш, партия гуруҳларининг ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат дастурлари тизимли бажарилиши юзасидан изчил жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масалаларга доир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинар иштирокчилари "Боғи Бобур" зиёратгоҳига ҳам ташриф буюрдилар. ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги "Халқаро Бобур жамоат фонди" фаолияти билан танишдилар. Иштирокчилар "Бобур ва жаҳон адабиёти" музейини томоша қилиш жараёнида Бобур ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳон маданияти ва адабиётидаги ўрни, Бобур авлодлари — Акбаршох, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон ва бобурийлар сулоласининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасига доир янги маълумотлар билан танишдилар.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбирлари Шоҳида ДАМАНОВА, Замира РЎЗИЕВА тайёрлади

Сана

# Адолат соҳиби

## Амир Темур мероси маънавият ривожида муҳим ўрин тутади

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Халқаро Амир Темур фонди ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан “Ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар жараёнида Амир Темур мероси эъзоз топаётгани, темурийлар даври халқимиз ривожланиши тарихида энг шукуҳли ва қудратли давр ҳисобланиши, моҳир давлат арбобининг ўлмас сиймоси ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор кўрсатиб, улар тафаккуридан жамият маданий ҳаётини юксалтиришда фойдаланишга интилган. Соҳибқирон шахси тарихида моҳир дипломат ва давлатлар ўртасидаги яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдириб, кенг кўламли ишларни амалга оширди. Моҳир саркарда сиёсий-иқтисодий жиҳатдан барқарор марказлашган давлат ташкил этиб, авваламбор мамлакатда давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб-интизом, қонунчиликни кучайтириш, савдосотиқ, ҳунармандчиликни кенгайтиришга имконият яратиш, солиқларни тартибга солиш, мамлакат ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратган. Бугун Амир Темурнинг мамлакатни бошқариш юзасидан олиб борган сиёсати нафақат Шаркда, балки Ғарбда ҳам кенг ўрганилмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида Соҳибқироннинг шахси билан қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва партия ғоясидан келиб чиққан ҳолда доимо миллий ғурур ва аждодлардан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш, халқимизда миллий ўзликни англашни, қадрият ва анъаналаримиз бардавомлигини сақлаш масалаларига катта эътибор қаратиб келади. Шу боис келажагимиз эгаларининг халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганишига кўмаклашишимиз лозим бўлади. Шунингдек, фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг миллий давлатчилигимиз тарихи ҳамда янги ўзбек давлатчилиги шаклланиши принципларини чуқур ўрганиши аждодларимизнинг жаҳон илмий тафаккури ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини теран англаб етишида ўзига хос ўрин тутади, - деди пировардида нотиқ

Баҳс-мунозарага бой тарзда ўтган тадбир якунида иштирокчилар музей экспозиция заллари бўйлаб саёҳат қилдилар.

***Ҳамидулло ЛУТФУЛЛАЕВ, тадбир иштирокчиси:***

— Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган, ёркин хислатларга эга, шижоатли ва қатъиятли, қудратли Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун чинакам ҳаёт мактаби десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтказилаётган Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ кўплаб тадбирларда иштирок этдим. Бу каби тадбирлар Соҳибқирон Амир Темурнинг илмий-адабий, маънавий мероси, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билимларимизни янада бойитишда, ёшларимизнинг маънавий дунёқараши кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган яна бир тадбир Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши “Ёшлар қаноти”, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида “Амир Темур ўгитларига муносиб авлод бўлайлик” мавзусида ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент давлат аграр университети проректори Йўлдош Саимназаров мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ аждодларимиз томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини эътироф этиди. Шунингдек, машҳур давлат арбоби, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалиб, буюк саркарданинг шахси, унинг тарихдаги ўрни ва ролини ҳаққоний баҳолаш имконияти пайдо бўлганини таъкидлади. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси, тарих фанлари доктори Азамат Зиё маъруза қилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун Россия, Италия, Франция, Озарбайжон каби мамлакатларда Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, ватанимиз олдидаги хизматлари ҳақида роман, рисола, мақолалар чоп этилмоқда. “Темур тузуклари” асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинаяпти. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакка ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир. Соҳибқирон нафақат ўз даврининг энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир. Таъкидлаш жоизки, Амир Темур меросини ўрганиш бўйича Европа тилларида 500 га, Шарқ тилларида эса 900 га яқин китоб нашр этилди.

Давра суҳбати якунида фаол иштирокчиларга партиянинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Таҳлил

# Ташаббускорлик, изчиллик

## партия гуруҳлари фаолиятидаги энг муҳим омил

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси асосий эътиборни маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларини тубдан кучайтириш, улар фаолиятини ташкил қилишнинг янада самарали усулларини топишга қаратмоқда. ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия дастурий мақсадлари ва “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган Ҳаракат дастурида партия гуруҳлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган, қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг масъул ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши тўғрисида мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш ва депутатлик назоратини амалга ошириш, партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда доимий комиссияларга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар билан чиқиш, депутатлик сўровлари орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш партия гуруҳлари олдида турган энг долзарб вазифалар сирасидан ўрин олган. Хўш, бу борада маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларимиз қандай саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда? Улар фаолияти бугунги давр талаблари даражасида такомиллашиб, янги поғонага кўтарилаяптими? Давлат дастури ижроси ва партия электорати манфаатларини таъминлашга қай даражада эътибор қаратишмоқда?

Маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларимизнинг 2014 йил биринчи чорак давомидаги умумий фаолияти, амалга оширган ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада қатор кўрсаткичларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан I чорак давомида 374 та депутатлик сўровлари амалга оширилган. Шунингдек, партия гуруҳлари ташаббуси билан 82 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланди. Партия электорати манфаатларига доир 85 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилиб, муҳокама қилинди. Маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига 22 та ташаббус-масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилганлиги партия гуруҳларимиз аъзоларининг давлат ва жамият ҳаётидаги масалаларни ҳал қилишдаги иштироки кенгаяётганидан далолатдир. Шунингдек, депутатларимиз фуқаролар мурожаатларига ҳам ўз вақтида муносиб жавоб қайтаришга жиддий эътибор қаратиб, 338 та мурожаатнинг ҳал этилишига эришишди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Андижон, Навоий ва Фарғона вилоят Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар самарали фаолият юритмоқдалар.

Партия гуруҳларининг жорий йил биринчи чорак давомидаги эришган ушбу натижалари ўтган йилнинг худди шу даври билан таққосланганда, улар фаолиятида анчагина ўсиш суратлари кўзга ташланади. Масалан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан 2013 йил I чорак давомида 190 та депутатлик сўровлари амалга оширилган бўлса, фуқаролар мурожаатлари асосидаги ҳал этилган шикоятлар сони 172 тани ташкил этган. Мазкур даврда партия гуруҳлари ташаббуси билан 40 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган. Доимий комиссиялар йиғилишларига 52 та таклиф олиб чиқилган бўлса, маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига 7 та масала киритилган. Демак, жорий йил биринчи чоракда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари амалга оширган ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2-3 баробар ўсган, дейиш мумкин. Бундай натижаларга эришишда, албатта, депутатларимизнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва ўз ваколатларидан унумли фойдаланишга интилаётганликларини, зиммасидаги масъулиятни тўғри ҳис қилган ҳолда фаолият юритаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Аммо Президентимиз таъкидлаганларидек: “эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз”, фаолиятимизни танқидий таҳлил қилган ҳолда янги босқичга кўтаришимиз лозим. Шу нуқтаи назардан ёндашганда эришилган натижалар билан бирга айрим камчиликлар, сусткашликка йўл қўяётган партия гуруҳлари ҳам йўқ эмас. Баъзи вакилларимизда ташаббускорлик ва қатъият етишмаяпти. Масалан, Бўка, Музработ ва Янгиқўрғон туманларида депутатлар эътибор қаратиши керак бўлган масалалар, электорат манфаатлари билан боғлиқ муаммолар мавжудлигига қарамай, тегишли маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига партия гуруҳи томонидан бирорта масала киритилмаган ҳолатлари ҳам учрайди.Бу эса партия гуруҳлари фаолиятини жадаллаштиришга янада эътибор кучайтирилишини тақозо қилади. Зеро, жорий сайловлар йилида ЎзМТДПнинг юқори натижаларга эришиши бевосита унинг амалий ишлари самарасига боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан партиямизнинг ҳудудий ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кучайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада партия дастурий мақсадлари тарғиботини биргаликда амалга ошириш, Давлат дастури ижросини таъминлаш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларга биргаликда жавоб топиш имкониятлари кенгаймоқда. Сиёсий партиялар учун муҳим палла бўлган жорий йилда партия гуруҳларидан ҳам, ҳудудий ташкилотлардан ҳам янада фаоллик, ташаббускорлик, изчиллик талаб этилади.

**Беҳзод СОДИҚОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси,**
**М.КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Хроника

# Баркамол авлод — буюк келажак кафолати

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Мўйноқ туман Кенгаши томонидан “Глобаллашув жараёнида оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Уразбаева кириш сўзи билан очди.

— Бугун глобаллашаётган дунёда “оммавий маданият” тобора маънавий хавф-хатарга айланиб бормоқда. Хотин-қизлар ҳамда ёш авлод вакилларини ана шундай салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишда оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, уларда миллий қадрият ва анъаналарга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Аёллар ва ёшлар иштирокида бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш фуқароларни турли маънавий-ахлоқий таҳдидлар ҳамда зарарли иллатларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга кўмаклашиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилади.

Тадбирда маърузачилар томонидан маънавиятимизга хавф солаётган “оммавий маданият” ниқоби остида бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётган ижтимоий сайтларнинг салбий оқибатлари ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Юнусобод туман Кенгаши ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида “Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалари” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашишда партия туман Кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикр билдиришди. Таъкидланганидек, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлаш ва миллат генофондини ҳимоя қилиш каби дастурий мақсад-муддаоларни ҳаётга изчил татбиқ этишни янада кучайтириш талаб этилади.

## НАМАНГАН

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифа сифатида белгиланган. Ана шундай дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, ЎзМТДП Чортоқ туман Кенгаши томонидан “Миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарнинг ёшлар камолотида тутган ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар ёшлар масаласи мустақилликнинг илк кунларидан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, ҳозирги кунда уларнинг таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани ҳамда ЎзМТДПнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида тўхталиб ўтдилар.

## АНДИЖОН

Жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Жорий йилга “Соғлом бола йили” деб ном берилгани оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди.

ЎзМТДП Олтинкўл туман Кенгаши томонидан ўтказилган “Соғлом бола — соғлом келажак, соғлом дунёқараш — соғлом жамият” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Таъкидланганидек, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида партия туман Кенгаши томонидан оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини юксалтириш, болаларни спортга кенг жалб қилишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, ўқув-семинарлар, кўрик-танлов ҳамда кўргазмалар ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

## СИРДАРЁ

ЎзМТДП Гулистон туман Кенгаши томонидан “Буюк келажакни соғлом авлод яратади” мавзусида спорт тадбири ўтказилди.

Таъкидланганидек, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, фарзандларимизнинг маънан ва жисмонан етук бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номлангани ҳамда бу борада Давлат дастурининг қабул қилингани ана шу эътиборнинг ёркин далилидир. Ушбу дастур ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ўтказиб келинаётган бундай мусобақалар оилаларда соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда иқтидор эгаларини кашф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир давомида ёшлар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга партия туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши ва Жиззах тиббиёт коллежи педагоглар жамоаси ҳамкорлигида “Миллий қадриятлар - миллат қаноти” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир халқимизнинг ўзига хослигини намоён этувчи миллий таомлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди. Унда анъанавий халқ ҳунармандчилиги, тарихий, маданий, меъморий ёдгорликлар, халқимизнинг моддий ва номоддий меросини асраш, ривожлантириш, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан ҳисобланади. Бундай тадбирлар миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш ҳамда ёшларда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

## БУХОРО

“Соғлом бола йили” муносабати билан миллий кураш бўйича ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши томонидан “Миллий тикланиш” соврини учун” спорт мусобақаси ўтказилди.

Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари М.Тўхтаев кириш сўзи билан очиб, бундай мусобақаларни ўтказишдан мақсад ёшларни спортга кенг жалб этиш, ёш спортчиларнинг тажрибаси ва маҳоратини ошириш, ўзбек миллий курашини келажагимиз эгалари ўртасида тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш ҳамда уларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборатлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт мусобақалари соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини ҳимоя қилишга қодир истеъдодли ва маҳоратли ёшларни саралаш имконини бераётгани эътироф этилди.

Мусобақада вилоятнинг шаҳар ҳамда туманларидан ташриф буюрган ёш полвонлар 4 та вазн тоифасида беллашдилар.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

# ЎзМТДП дастури — амалда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

## Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2014 йилнинг охиригача Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини электрон тўлов тизимлари ва коммунал хизматларнинг биллинг тизимлари билан бирлаштириш йўли орқали мазкур портални такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида хабар бериш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятларини назарда тутиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларига 2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида қуйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус “тадбиркорлик субъектининг кабинети” ишлашини таъминласин:

молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқишда ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали тўлаш;

маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш.

5. 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили бўйича электрон шаклда қуйидаги жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқни берадиган тартиб ўрнатилсин:

тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга доир талабномаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш;

миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига тақдим этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни икки ой муддатда белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг ёритиш юзасидан ҳар бир ҳудудда тадбирлар ўтказсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияларни бериш тартиботларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга 2014 йил 1 июнгача тегишли ўзгартишлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 апрель

**Қўмита йиғилиши**

## Вазирлик ахбороти тингланди

**унда ёш авлод камолоти масаласига эътибор қаратилди**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинишининг ҳолати ва истиқболлари» юзасидан Халқ таълими вазирлигининг ахбороти тингланди.***

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов кириш сўзи билан очди:

— Мустақиллик йилларида мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабга тайёрлаш, мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Мазкур йўналишдаги ислоҳотлар жорий “Соғлом бола йили”да янги поғонага кўтарилиши шубҳасиз. Зеро, Давлат дастурида соғлом ва ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш ишлари изчил равишда ўз аксини топган. Хусусан, Давлат дастурида кўзда тутилган 8 та янги қонун лойиҳаси соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, умуман, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ЎзМТДП ташкилотлари, партия гуруҳлари ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Зеро, партия сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган, - деди қўмита раиси.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишга катта миқдордаги Давлат бюджети маблағлари ажратилмоқда. Хусусан, болалар боғчалари тизимига йўналтирилаётган Давлат бюджети маблағлари соҳа ривожида муҳим ўрин тутади. Зеро, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод камолоти болалар боғчаларида яратилган шарт-шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, маънавий, жисмоний ва тиббий хизматлар сифати билан чамбарчас боғлиқ.

Тадбирда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров ахборот берди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Уларнинг моддий-техника асосини янада ривожлантириш мақсадида молия институтлари иштирокида инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда, мактабгача таълим муассасаларида инновацион ва тажриба-синов ишлари сезиларли даражада кучаймоқда.

Бугунги кунда 4950 та мактабгача таълим муассасаларига 600 минг нафардан зиёд болалар жалб этилган. Мавжуд мактабгача таълим муассасаларида 52515 нафар педагог-тарбиячи меҳнат қилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асоси такомиллашмоқда, давлат тармоғи билан биргаликда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғи ҳам кенгайтирилаётир. Таълимнинг илғор технологиялари жорий этилиб, кадрлар малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. 2012 йилда болалар боғчалари мудиралари давлат аттестациясидан ўтказилди. Биргина Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари мудираларининг 60 фоизи аттестациядан юқори кўрсаткичлар билан намунали ўтишиб, ўз иш фаолиятларини давом эттиришмоқда. Болаларни мактабга тайёрлашнинг қисқа муддатли гуруҳлари низом асосида ташкил этилиб, мактабгача таълим муассасаларининг муқобил шакллари жорий қилинмоқда. Айни пайтда 1220 та қисқа муддатли гуруҳлар очилиши кўзда тутилган.

Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника таъминоти яхшиланмоқда, болаларнинг психологик ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи, қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи турли хилдаги ўқув кўргазмалари ва ўйинчоқлар гуруҳларга етказиб берилди, шунингдек, барча мактабгача таълим муассасалари паспортизациядан ўтказилди. Мактабгача таълим муассасаларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича халқ таълими вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Соҳада эришилган ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва нуқсонлар, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мавжуд МТМларнинг 1571 таси носоз аҳволда эканлиги, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мазкур муассасаларни капитал таъмирлаш, замонавий илмий-методик қуроллар билан таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, қишлоқ жойлардаги болалар боғчаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ва шу аснода ҳудуддаги 2-7 ёшгача бўлган болаларни кенг қамраб олиш масаласига эътибор қаратишимиз лозим. Чунки айрим ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларига 2-7 ёшгача бўлган болаларни жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Соҳадаги мавжуд бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш жорий йилги фаолиятимизнинг бош мезонларидан бирига айланади, - деди маърузачи.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, тажрибали кадрлар билан таъминлаш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида эса бу борадаги ишлар янада юқори поғонага кўтарилади. Зеро, Давлат дастурида мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришнинг 2015-2020 йилларга мўлжалланган тегишли дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш, болаларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги болаларни мактабга тайёрлаш ишларини изчил амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланган. Дастур асосида мамлакатимиздаги болаларнинг қарийб 45 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиниши кутилмоқда.

Шунингдек, тадбирда мактабгача таълим тизимини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш, болаларни мусиқа ва санъатга йўналтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида Қўмитанинг тавсиялари ишлаб чиқилди.

***Ўрол ХАИТОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Бугунги тадбирда ёш авлод камолоти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига кенг қамраб олиниши улар камолотида муҳим ўрин тутади. Шу боис болалар боғчаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш изчиллик билан ривожланиб бораётган бугунги давр талабидир. “Соғлом бола йили” Давлат дастури асосида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги муассасаларни барпо этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларни юқори босқичга кўтаради.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни ўзининг муҳим вазифаси деб билади. Шундай экан, ЎзМТДП вакили сифатида биз депутатлар ўз фаолиятимиз давомида фарзандларимиз камолотига қаратилган саъй-ҳаракатларда, айниқса, Давлат дастурида назарда тутилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этишга интиламиз.

**Ўз мухбиримиз**

## Буюк аждодларимиз даҳосига эҳтиром

***2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро илмий конференция бўлади.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 апрелдаги фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган ушбу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия ва Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилган, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилган.

Мустақиллик йилларида бу қизиқиш янада ортди. Мамлакатимизда халқаро илмий-маданий ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди, ушбу мавзуга бағишлаган йирик илмий анжуманлар ташкил этилди. Буюк олим ва мутафаккирларимиз, қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Президентимиз раҳнамолигида улуғ алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз қадамжолари обод этилмоқда. Миллий маънавий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган халқаро илмий конференция ана шу юксак эътибор, буюк аждодларимиз илмий меросига ҳурмат ва қизиқиш тобора ошиб бораётганига ёрқин далилдир.

Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа саналган юртимиз азалдан олиму уламолари, фозилу фузалолари билан довруқ қозонган. Она заминимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломалар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк боболаримиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлган минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик ва бошқа соҳаларга оид ноёб қўлёзмалар бизнинг бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмий, қомусий олимлар Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замаҳшарий, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек сингари улуғ мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бундай юксак ифтихор туйғуси бизни ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида фахр билан яшашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват этади.

“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, афсонавий Шарқ тимсоли Самарқанд — жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, юзлаб аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод қилган бой тарихий ва маданий меросга эга шаҳар. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар аждодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий иншоотлари ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади.

Анжуман иштирокчилари аниқ ва табиий фанлар соҳасида фаолият юритган Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, тарихий ва фалсафий мероси, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган улкан ҳиссасига оид масалаларни муҳокама қилади, фикр ва тажриба алмашади.

Конференцияда Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди, тарихий мероси ва илмий мактабларнинг фаолиятига бағишланган фильмлар намойиш этилади. Анжуман қатнашчилари Самарқанддаги тарихий, илмий ва маданий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ўқув муассасалари фаолияти билан танишади.

Интернет тармоғининг www.msth.uz манзилида мазкур халқаро конференциянинг сайти ташкил этилган.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Муносабат**

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

**жараёнида ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш — долзарб вазифа**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларигина ўз олдида турган вазифаларни тўлақонли адо эта оладилар. Албатта, бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланганлигини кўрсатди. Хусусан, давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти мақсадлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Конституция нормалари ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунларда аниқлаштирилади ва очиб берилади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор» лиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шундан келиб чиқиб, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Бу қонун лойиҳаси, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутади. Яъни, жамият ҳаётининг турли йўналишларида истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этишлари учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, мазкур қонун лойиҳаси ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этишга шароит яратади.

Қонун лойиҳасида мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларидан, миллий ва халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклик тушунчаси, субъектлари, принциплари ва асосий соҳалари таърифланмоқда. Масалан, социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шу жумладан, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда давлат органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлиги сифатида «ижтимоий шериклик» тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқлаштирилмоқда. Ушбу нормалар давлат органларининг ННТ билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг қарор топган амалиётини умумлаштириш, илғор хориж тажрибасини танқидий жиҳатдан ўрганиш асосида киритилмоқда ҳамда соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги хато ва камчиликлар тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини ривожлантириш ва ролини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал қилишда жойларда уларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Таклиф этилаётган механизмлар юзага келган ижобий ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тизимлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда жорий этилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларига ва ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасига тўлиқ мувофиқ келади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлиги оширилишига, катта ижтимоий аҳамиятга молик социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларининг ҳар томонлама ҳисобга олинишига кўмаклашади.

**Бобур ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул ходими,**
**ЎзМТДП аъзоси**

Бугуннинг гапи

# Тўйга марҳамат, фақат...

***Ҳар бир халқнинг ўзига хос, замонлар синовидан ўтган, одамларнинг қон-қонига сингиб кетган, миллатнинг қалби, дунёқарашию турмуш тарзини ойнадек равшан кўрсатиб турадиган урф-одатлари бўлади ва улар ҳаётнинг ўзи каби бир меъёрда туриб қолмайди, аксинча, ривожланиб, бойиб боради. Айни пайтда, ўз умрини яшаб бўлган одатлар, таомиллар ўрнини янги, бугунги кунимизга хос маросимлар эгаллайди. Эл-юртда тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик бўлса, бу жараён янада фаоллашади. Бундай шароитда одамлар қалбида саховат, меҳр-мурувват, меҳмондўстлик, "қўли очиқлик" каби фазилатлар кўпроқ ниш уради. Бу, айниқса, халқимизнинг тўй ва бошқа оилавий маросимларида яққол кўринади.***

Миллий урф-одатлар асрлар давомида шаклланади, замон, давр элагидан ўтиб, саралланади. Шундай бўлса-да, уларга бефарқ бўлмаслигимиз, ҳар бир одат ва анъана замиридаги ижтимоий, маънавий-тарбиявий "юк"ка эътибор бермоғимиз зарур, деб ўйлайман. Сир эмаски, умримизнинг маълум қисми тўй-маросим ташвишлари, бозор-ўчар, меҳмон кутишу меҳмонга бориш билан ўтади. "Қуруқ қошиқ оғиз йиртади" деганларидек, ҳар бир маросим, хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, маълум харажат билан боғлиқ. Бир кишига ҳам, ўн кишига ҳам қозон осилади, дастурхон ёзилади. Бир "қўли узун" ўйлаб топган янги "анъана" ҳа-ҳу демай одатга айланиши, кам таъминланганларни ташвишга солиб қўйиши мумкин.

Тўй маросимларимиз ҳақида матбуотда, телевидениеда, маҳалла фаоллари ўртасида (кейинги пайтларда радиоканалларда ҳам) тез-тез мунозаралар бўлиб турибди. Ҳар ким ўз қарашини баён қилади. Эътибор берган бўлсангиз, баҳс қаерда бўлмасин, фикр деярли бир жойдан чиқади: "Топарман-тутарманлар тўйни жуда оширворишди, кимошди мусобақаси бўлиб кетди, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда, маҳаллани менсимай қўйишган, мутасаддилар қаттиқроқ туришлари, талабчан бўлишлари керак, баъзи маросимларни қисқартириш, ихчамлаштириш зарур".

Ҳа, худди шундай қилиш керак. Тўйларимизни тартибга солишнинг бошқа йўли йўқ. Бу таклифлар кўп йиллардан бери тинимсиз такрорланади, ҳаммага, жумладан, ўша топарман-тутарманларга ҳам маъқул келади. Ҳамма оёқни кўрпага қараб узатиш, камхаржларни хижолат қилмаслик, бир кунлик "обрў" деб қарзга ботмаслик тарафдори. Тўғри-да, ортиқча чиқимга кимнинг кўзи учиб турибди? Аммо ...бу таклифларни амалга оширишга келганда ҳамма бирданига жимиб қолади. "Биродар, мана сиз — ҳамма нарсани тушунадиган", маданиятли, ўқиган одамсиз, келинг, тўйингизни ихчамгина қилиб, ортиқча харажат қилмай, қуда томонга ҳам, ўзингизга ҳам оғирлигини туширмай ўтказайлик" десангиз, ўша "ҳамма нарсани тушунадиган" одамнинг пешонаси тиришади, "Ие, нега энди мен бошлашим керак экан? Элнинг ошини еб, тўнини кийиб, базмида кайф қилиб юрган одамман, ахир. Фалончи деган номим бор. Мен ҳам мундоқ дастурхон ёзиб, оғизга тушадиган, дўст-қадрдонларим яйрайдиган тўй қилайин-да", дейди. Бошқалардан ҳам шу фикр чиқади ва... таклиф таклифлигича қолиб кетади.

Имкони бор одамда имкон билан бирга тўйдан-тўйга, базмдан базмга ошиб борадиган орзу-ҳавас ҳам бўлади, чоғи. Шу жузъий фикримни аниқлаштириш мақсадида яқинда ҳашаматли тўй қилиб, ҳамманинг оғзини ўзига қаратган бир кишининг кўнглига аста "қўл" солдим. "Ўзиям тўймисан тўй бўлди-да, ака, меҳмонлар роса яйрашди", дедим. Аслида ҳам шундай бўлди. Дастурхонга унча-мунча кишининг тушига ҳам кирмайдиган ноз-неъматлар тортилди. Мен унинг: "Ҳа, тинч-омон ўтказиб олдик, одамлар хурсанд бўлишга илтижолар қилсангиз, шукроналар айтсангиз, қандоқ яхши. Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Қулоқлар батанг битади, миянгиз ғовлаб кетади, бу шовқин-суронхонани тезроқ тарк этишни ўйлаб қолсиз.

Тўйларимизда фонограммадан фойдаланилаётганига кўникиб бўлдик, шу сабил қолгур ҳам керак экан-да, аммо баъзи "санъаткор"ларимиз ижросидаги тўй "қўшиқ"ларини тинглаш ўзини ҳурмат қиладиган одам учун нақд азоб. Айб улардагина эмас, бундай "қўшиқ"ларни жим тинглаб ўтирган, ҳеч бўлмаса: "Ҳой, шу ҳам ашулами?" дея сўраб қўймайдиган бизларда. Гапим қуруқ бўлмасин, воҳанинг олис қишлоқларидан бирида бўлаётган тўйда пойтахтдан таклиф этилган санъаткорлардан бири мана шундай "қўшиқ" куйлаб, "улоқ"ни олиб кетди: "Тўйингизга бизлар келдик узо-оқлардан, Ўтиб қанча йўллардаги тузо-оқлардан. Қистиришга тугаб қолса долларингиз, вой додей, Олиб чиқинг қўрадаги бузоқлардан...".

Санъатда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш жуда мушкул. Бунинг учун кўп йиллар сидқидилдан, иддаосиз, миннатсиз меҳнат қилиш, изланиш, чолғу асбобининг ҳар пардасини минг-минг, балки миллион марталаб босиш керак бўлади. Шунда ҳам ҳурмат шоҳсупасига кўтарилиш фақат айримларгагина насиб этади. Ҳурматни йўқотиш эса - бундан осон иш йўқ.

Бизнингча, никоҳ базмида дастурхоннинг қандай тузалиши, тўйга номдор санъаткорларнинг келиши эмас, бу маросимни нечоғли мазмунли, ёшларнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган, келин-куёвни ўзаро садоқатга, ҳаё ва одобга, ота-оналарига нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга даъват этадиган даражада таъсирчан, онг-шуурларига нақш боғлайдиган қилиб ўтказиш, маҳаллаларимизда умргузаронлик қилаётган, оила қурганларига эллик, олтмиш йил бўлган ували-жували отахон-онахонларнинг бахтли ва тотув турмушларини ибрат қилиб кўрсатиш муҳимроқ. Жуда кўп тўйларда қатнашган бўлсам-да, ҳеч бир базмда бирор кишининг келин-куёвларга қарата: "Сизлар энди бир оиласиз, фарзанд кўриб, уларга ота-она бўлишдек улуғ бахтга муяссар бўлинглар илоҳим. Болаларингизни соғлом, ақлли-ҳушли, одоб-ахлоқли, эл-юрт корига ярайдиган, Ватанига садоқатли, аждодларига муносиб, жасур ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш зиммангиздаги муқаддас бурчингиз, буни асло унутманг ва ҳамиша ёдингизда тутинг", деган ният айтилганини эшитмаганман. Бундай дейишнинг баландпарвоз жойи йўқ. Дилдан айтилса бўлди.

Кўпинча "Уйинг тўйхона бўлсин, бошинг тўйдан чиқмасин, топганинг тўйга буюрсин" дея дуолар қилинади. Улуғ дуо. Шундай бўлишини ҳаммамиз ҳам хоҳлаймиз, шунга интиламиз. Бироқ, инсон бу ёруғ оламга тўй дебгина келмайди, умрини мазмунли ўтказиш, ўзидан эл-юртга манфаати тегадиган амаллар, тарбияли фарзандлар қолдириш учун ҳам келади. Шоир Муҳаммад Юсуф ёзганидек, "яшаса, болам деб яшайди ўзбек". Уй-жой қураётган танишингиздан сўрангчи, бирортаси: "Ҳовли қураяпман, иккита хонаси болаларга — биттаси ётоқхона, биттаси дарсхона ёки кутубхона" дермикин. Демайди, "Уй қураяпман, зали олтига саккиз, қирқ кишига мўлжалланган", дейди. Ўзидан, болаларидан кўра меҳмонни афзал кўради.

Амин бўлгандирсиз, тўйларимиз хусусидаги мунозарани давом эттиришга, баъзи урф-одатларимиз тўғрисида дўппини бошдан олиб, сал узоқроқни ўйлаб мушоҳада юритишга, тегишли хулосалар чиқаришга асос ҳам, зарурат ҳам бор.

**М.АҲМАДЖОНОВ**

***Навоий вилояти Кармана туман озиқ-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган Севара Ҳамроеванинг тикиш-бичиш ва каштадўзликка меҳри баланд.***

***Севара дарсдан бўш вақтини ўнга яқин шогирдлари ҳамроҳлигида каштали кўйлак, ёстиқ, нимча, дастурхон, сўзана ва дўппи тикиш билан ўтказади. У унутилаёзган қадим каштачилик анъаналарини ҳамда апликация турларини қайта тиклаш, уларга замонавий сайқал бериб, янги турдаги бежирим буюмлар тикишни ният қилган.***

**ЎзА фотомухбири**
**Сирож АСЛОНОВ олган суратлар**

Боқий мерос

# Туркийгўй шоирлар

## «Мажолис ун-нафоис»да

***Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида "То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларга интиқол топти, Ҳулогухон замонидин, султони Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар" деб ёзади.***

Аслида, ҳозирги замон адабиётшунослик илмига кўра, туркий шеъриятнинг пайдо бўлиши бундан ҳам олдинроқ бошланган. Демак, Навоий замонига келиб туркийда ижод этган шоирлар миқдори анча кўпайган. Улар ҳақидаги маълумотларни, ўрта асрлар адабиётшунослигининг энг оммабоп жанри бўлган тазкиралардан излаш лозим бўлади. Аммо Навоийгача бўлган тазкираларнинг ҳаммаси араб ва форс тилида ёзилган. Шу боис, улардан туркийгўй шоирларни излаш жуда ҳам тўғри бўлмайди.

Мумтоз адабиётшунослигимизда Ўрта асрларда машҳур бўлган Саолибийнинг арабча "Ятимат уддаҳр" (1017) ва Муҳаммад Авфийнинг форсий тилдаги "Лубоб ул-албоб" тазкиралари (1222) кўп тилга олинади. Аммо Навоийда бу тазкиралар ҳақида бирор ишора учрамайди. «Мажолис ун-нафоис» муқаддимасида фақат Абдураҳмон Жомий "Баҳористон"ининг 7-равзаси ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират ушшуаро" асарининг номигина келтирилади. Бу асарларнинг иккаласи ҳам форсийда ёзилган. Улардан биринчисида туркийгўй шоирлардан фақат Алишер Навоий зикрига бағишланган фасл бор, холос. Иккинчиси, Алишер Навоий рағбати билан ёзилгани боис бўлса керак, бир қанча шоирларнинг туркийда ҳам ижод қилганлари ҳақида эслатиб ўтилган. Зеро, туркийгўй шоирларни Навоийгача тазкирага киритиш расм бўлмагани учун уларнинг номини кам учратамиз. Фақат Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасигина бу бўшлиқни тўлдирди. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг ҳар бир мажлисига туркийгўй шоирлар ҳақида маълумот киритди.

Туркийгўй шоирлар бўйича изланишлар олиб боришда масаланинг қийин жиҳати шундаки, Ўрта асрлар манбалари матнида бирор асар номи зикр этилса, унинг қайси тилда ижод қилинганига эътибор қаратилмайди. Навоийнинг кўпгина асарларида ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида ҳам замондош шоирлари ҳақида маълумотлар берар экан, туркийгўй шоирларни форсийгўй шоирлар билан аралаш ҳолда келтирган. Зотан, бу ўша давр адабий муҳитига хос хусусият ҳисобланган. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да буни қуйидагича изоҳлайди: "Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт (форсий) тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хирад аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва омийсидин донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг маънисин ҳам билмаслар".

Б.Валихўжаев "Алишер Навоий икки тилда асарлар ёзган 40 га яқин шоирларнинг номини «Мажолис ун-нафоис»га киритган" деб ёзади. Аммо бизнинг махсус изланишларимиз уларнинг сони 56 нафар эканини кўрсатмоқда. 46 кишидан иборат биринчи мажлисдаги шоирлар ичида 8 таси туркийгўй бўлиб, улар форсийда ҳам ижод қилиш лаёқатидан бебаҳра эмас эдилар. Улар Амир Қосим Анвор, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Шайх Озарий, Хожа Исматуллоҳ, Мавлоно Амирий, Мавлоно Ҳожи Абулҳасан, Мавлоно Қутбий, Мавлоно Наъимийлардир. Аммо юқорида айтилганидек, тазкирада барча туркийгўй шоирларнинг ҳам туркийда ижод этгани алоҳида таъкидланмаган.

Тазкиранинг Амир Қосим Анвор ҳақидаги маълумот билан бошланиши ҳам бежиз эмас. Унинг Озарбайжондан экани, шеърларини севиб ўқишгани, девон тузгани баён қилинади. Аммо унинг ижодидан форсча битилган учта байт ва бир мисрани мисол қилиб келтиради. Туркийда ёзган шеърларидан эса намуна йўқ. Бироқ унинг туркийда ҳам шеър айтганини ушбу нашрда шоирга берилган навоийшунос олим С.Ғаниеванинг изоҳидан билиш мумкин.

Хожа Исматуллоҳ Бухорийнинг ҳам туркийда ижод қилгани «Мажолис ун-нафоис»да айтилмаган. Биз уни форсий-туркий зуллисонайнликни бошлаб берган зот сифатида улуғлаймиз. Қолаверса, унинг 1035 байтли ўзбек тилидаги "Иброҳим Адҳам" достони борлигини биламиз. «Мажолис ун-нафоис»да Халил Султонга бағишланган қисмида Хожа Исматуллоҳнинг Султон девонини мақтаб ёзган туркий қасидасининг матласи келтирилган.

Шоир Ҳайдар Хоразмий ҳақида ҳам махсус маълумот йўқ. Унинг туркийгўй шоир эканини Султон Искандар Шерозий ҳақидаги маълумотдан билиб оламиз.

Мавлоно Ҳайдарнинг номи "Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий шуаро қаторида санаб ўтилган, бироқ «Мажолис ун-нафоис»да унинг ҳақида гап юритилмайди.

Тазкирада туркийгўй шоир сифатида қайд этилмаган бўлса ҳам, лекин туркийда ижод қилган шоирлар қаторида Муҳаммад Солиҳ, Шайх Озарий, Мавлоно Садр котиб, Исматуллоҳ Бухорий ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида зикр этилган шоирлар орасидан туркийгўйларини ажратиб олиш уч ёндашувни тақозо этади: биринчиси, туркийда қалам тебратгани асарда очиқ қайд этилган шоирлар, иккинчиси, туркийгўйлигини тазкирада келтирилган ижод намунасидан билиб олиш мумкин бўлган шоирлар, учинчиси, туркийгўйлигини бошқа манбалар воситасида излаб топиш лозим бўлган шоирлар.

Мухтасар айтганда, асар матнидаги туркийгўй шоирлар шахсияти ва ижодига тааллуқли қайдлар таҳлили уларнинг ижоди ва таржимаи ҳолини кенгайтириш ҳамда илмий тасдиқлаш имконини беради.

**Фаррух ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**ТошДШИ тадқиқотчиси**

Мулоҳаза

# Тил билган эл билади

***Истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратувчилик ва ободончилик ишлари ҳар биримизни қувонтирмасдан қўймайди. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасида таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш имконини берди. Бу янгиланишлар, ўз навбатида, ўқитиш сифатини тубдан ўзгартирибгина қолмай, юксак самарадорликка эришиш йўлида мустаҳкам пойдевор вазифасини ҳам ўтамоқда.***

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фарзандларимизнинг келгуси тақдирини белгилаб берди. Қарорга биноан 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб чет тилларни ўқитишга илгаригидек 5-синфдан эмас, балки 1-синфданоқ киришилди. Бу эса ота-оналар, кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Муҳими, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ таълим-тарбия ишини такомилаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида эски таълим тизимидаги иллат — бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қарашга буткул барҳам берилди. Яшириб нима қилдик, авваллари билими саёз муаллимлар ҳам 1-синф ўқувчиларига дарс бераверарди. Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга етук, тажрибали мураббийларнинг бириктириб қўйилиши масалага нақадар жиддий эътибор қаратилганидан далолат беради. Демак, янги қарор фарзандларимизнинг ёруғ истиқболига хизмат қилиши муқаррар.

— Давлатимиз раҳбарининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ўқувчи-ёшлар учун фойдали бўлган чет тиллардаги электрон дарсликлар, қизиқарли ўйин ва бошқотирмали ресурслар яратиш, ўқув ва бадиий адабиётлар, турли луғатлар нашр этиш, кўргазмали қуроллар ишлаб чиқиш, бу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш вазифалари белгиланган, - дейди Республика таълим маркази директори Ислом Зокиров. — Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда чет тили, асосан, инглиз тилига ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби бир қатор вазифалар назарда тутилган бўлиб, айни пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаган мамлакатимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамияти катта. Бугунги кунга келиб жаҳон тилларидан бири бўлмиш инглиз тили курраи заминнинг барча қитъаларида ўрганилмоқда. Бу тилни билган киши Хитой, Япония, Африка, Лотин Америкаси ёхуд Европа мамлакатларида бўлсин бемалол мулоқот қила олади. Қолаверса, инглиз тилида чоп этилаётган фан-техникага оид илмий оммабоп, бадиий адабиёт ва ахборотлар сон жиҳатдан жаҳонда биринчи ўринда туради. Зеро, доно халқимиз айтганидек, тил билган эл билади.

**Ҳадича ЎТАЕВА**

*Бухоро вилоятида болалар спортини ривожлантириш, хусусан, футболни янада оммавийлаштириш, иқтидорли ёш спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.*

*Пешку туманидаги футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида машғулот заллари, ётоқхона, ошхона, ўқув биноси ва кутубхона замон талаблари асосида жиҳозланган. Тажрибали мураббийлардан сабоқ олаётган тарбияланувчилар республика ва халқаро турнирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган ўқув йилида мактаб тарбияланувчиларининг беш нафари «Бухоро» жамоасига қабул қилиниб, ҳозирда профессионал футболчилар сафида тўп сураётир.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

Миллий ғурур

# “Орзуим мақсадга айланди”

**дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, шотакан каратэ-до бўйича Жаҳон кубоги ғолибаси Севара АБДУЛҲАКИМОВА**

*Президентимизнинг ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти одоб-ахлоқли, ақлли, билимдон, ёрқин истеъдод эгалари бўлган зукко қизларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилда мазкур мукофотга лойиқ кўрилган иқтидорли қизлар орасида Севара Абдулҳакимова ҳам бор.*

**— Севарахон, аввало, унвон муборак бўлсин. Менимча, бундай юксак эътиборга, совринга эга бўлиш ҳар бир қизнинг орзуси бўлса керак?**

— Раҳмат. Фикрингизга қўшиламан. Телевизор орқали Зулфия мукофоти совриндорларини кўриб рости ҳавасим келарди. Зулфияхоним қизларини диққат билан томоша қилаётганимни кўрган дадам: “ҳаммадан яхши ўқисанг, бир кун сен ҳам шундай унвонга сазовор бўласан” дердилар. Бунга жавобан мен жилмайиб қўярдим, холос. Сабаби, шу кунгача Тошкент вилоятидан 14 нафар қизга мазкур мукофотни олиш насиб қилган. Камина улар қўлга киритган ютуқ ва натижаларга эриша олармиканман, деган ўй-хаёллар билан яшай бошладим. Ниятим холис экан шекилли, орадан йиллар ўтиб мен ҳам шундай юксак мукофотга лойиқ топилдим. Бунинг учун энг аввало Президентимиз, Ватаним, шу билан бирга ўз меҳнати ва вақтини аямаган устоз-мураббийларимдан умрбод миннатдорман.

**— Спортга кириб келишингизга ким туртки бўлган?**

— Дадамнинг спортга бўлган қизиқишлари баланд эди. Айниқса, аёл спортчиларга ҳавас билан қарарди. Менга қараб “сен ҳам жаҳон чемпиони бўлиб, сенга ҳам худди шу қизлар каби мадҳиямиз садолари остида Ўзбекистон байроғи кўтарилишини орзу қиламан” дердилар. Ўшанда жуда кичкина бўлганлигим сабаблими бу улуғвор сўзларнинг моҳиятини чуқур англаб етмасдим. Мактабга боришни бошлаганимдан сўнг етти ёшимда дадам мени «Шотакан каратэ-до» спорт клубига етаклаб бордилар. Рости аввалига бироз қийналдим. Лекин дадам ҳамиша менга далда бериб, сени олдинда катта ютуқлар кутаяпти, дея, олға қадам ташлашга ундарди. Қийинчиликлар ортда қолди. Спорт мени қатъий тартиб, соғлом турмуш тарзига ўргатди. Бугун спорт ҳаётим мазмунига айланган. Спорт сабабли Япония, Руминия, Туркия, Греция, Кипр каби хорижий мамлакатларда бўлдим. Мазкур сафарлардан бир олам таассурот олдим. Хорижлик тенгдошларим билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдим.

**— Илк ғалабангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Спортчилар ўзининг илк ғалабасини ҳеч қачон унутмаса керак, деб ўйлайман. 2005 йили Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритдим. Шундан кейин кетма-кет муваффақиятларга эришиб, ўнга яқин давлатдан келган спортчилар қатнашган Ўзбекистон очиқ чемпионати совриндори бўлдим. 2010 йили Кипрда шотакан каратэ-до бўйича ўтган жаҳон кубогида биринчи ўринни эгалладим. Ўзбек қизи эканимдан, юртим шаънини ҳимоя қилиб, ғалабага эришганимдан чексиз фахр туйғусини туйгандим.

**— Юқорида кўплаб давлатларда бўлганингизни айтиб ўтдингиз. Демак, медалларингиз сони ҳам шунга яраша кўпайиб қолгандир.**

— Шу кунгача олган фахрий ёрлиқ, диплом, соврин, медаль ва гувоҳномаларим 46 тага етибди. Ҳали Ватан олдидаги бурчимни тўла оқлаганимча йўқ. Ахир, барча ғалабаларим юртимизда яратилган имкониятлар натижасидир. Президентимиз раҳнамогида спортга, айниқса, хотин-қизлар спортига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу азиз Ватан тупроғида улғайганимдан бахтиёрман.

**— Келажакдаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўқиб, етук мутахассис — мураббий бўлишни, менга билдирилган ишончни оқлашни истайман. Биргина армоним, бугунги ғалабаларим, шундай юксак унвонга сазовор бўлганимни дадам кўрмадилар. Бугун бундан 10 йил олдин дадам иккимиз қилган орзуларимиз амалга ошиб кўплаб ғалабаларга эришаётганимдан жуда хурсандман ва барча ғалабаларимни дадамга бағишлайман. Айни пайтда спорт билан шуғулланиш баробарида инглиз ва рус тилларини ҳам мукаммал ўрганиш учун бел боғлаганман.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Тўмарис АЪЗАМ суҳбатлашди**

Ўқув масканида

# Навоий маданият ва санъат коллежи

**ундаги қулайликлар ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда**

*Ёшлар — ватан таянчи, эртанги порлоқ истиқболимиз эгаларидир. Мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбиясига бирламчи вазифа сифатида ёндашилаётганлиги замирида ҳам ана шундай теран ҳақиқат мужассам. Эътироф этиш жоизки, юртимизда ўғил-қизларнинг билим олиб, касб эгаллаши, ўз салоҳияти, ақлу тафаккури, санъати ва истеъдодини намойиш қилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Истиқлол йилларида барпо этилган кўплаб мактаб, лицей ва коллежлардаги шарт-шароитлар бунга яққол мисол бўла олади.*

Навоий маданият ва санъат коллежи ҳам мустақиллик йилларида барпо этилган ана шундай таълим масканлари сирасига киради. 2001 йилда барпо этилган билим даргоҳида айни пайтда 620 нафар талаба театр санъати, умумтаълим фанлари ва ахборот кутубхона тизими, анъанавий хонанда ва анъанавий чолғу, ўзбек халқ чолғу ва эстрада хонандалиги, бадиий безаш, миллий этнографик либосларни лойиҳалаш ва наққошлик бўйича уста рассом, хор дирижёрлиги, фортепиано, мусиқа назарияси ва хореография йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.

Замонавий ҳамда миллий меъморчилигимиз асосида барпо этилган ўқув биноси ўз маҳобати билан диққатингизни тортади. Бинога киришингиз билан бу ерда қатъий тартиб ва ички интизом жорий этилганлигини ҳис қиласиз. Таълим даргоҳида ўқувчилар ўзи танлаган мутахассисликлар бўйича билим ва малакага эга бўлишлари, интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Техник ва мусиқий анжомлар билан тўлиқ таъминланган ёруғ ва чиройли ўқув хоналари, 400 ўринга мўлжалланган концерт зали, овоз ёзиш студияси, информатика хоналари, ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат хонаси, спорт зали, бўлғуси мусаввирлар учун мўлжалланган ижодий устахоналар ҳамда ётоқхона биноси талабалар ихтиёрида.

— Ҳар бир миллатнинг довруғини дунёга танитувчи омиллар бўлади. Шулардан бири, албатта санъатдир. Мусиқа инсон руҳиятига ижобий таъсир этади, қалбларга жўшқинлик бағишлайди. Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли бу йўналишдаги таълим масканларининг сони ва нуфузи ортиб бормоқда, - дейди Навоий маданият ва санъат коллежи раҳбари Акмал Шодиев. — Коллежимизда 214 нафар малакали ўқитувчи-мураббийлар фаолият юритади. Ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган ўқитувчилар талабаларнинг олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, уларга танлаган йўналиши бўйича касб сирларини пухта ўргатиш ишига жиддий эътибор қаратишмоқда.

Санъат даргоҳида ўқувчиларнинг ҳар бир куни мароқли ва қизиқарли ўтади, десак муболаға бўлмайди. Зеро, ўқув жараёнлари, машғулотлар, ижодий изланишлардан кўзланган ягона мақсад санъат соҳаси тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган малакали мутахассислар тайёрлашдир.

— Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-маърифий, мафкуравий тарбиясини мустаҳкамлаш, уларда она Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини оширишдир, - дейди А.Шодиев. — Маънавияти юксак, ўзлигини теран англаган, қатъий фикрга эга инсонгина ҳар қандай ёт ғояларга қарши тура олади. Таълим масканида ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига катта эътибор қаратилган. Коллежда ёшлар тарбиясига оид қатор тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. “Ёшлар оммавий маданиятга қарши”, “XXI аср — интеллектуал авлод асри”, “Глобаллашаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни”, “Глобаллашув ва оммавий маданиятнинг ёшлар онгига салбий таъсири”, “Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг иштироки”, “Санъат-саодатга бошловчи йўл” каби тадбирлар шулар жумласига киради. Эътирофли жиҳати шундаки, ўтказилаётган тарғибот тадбирлари шунчаки маълумот учун эмас, балки турли хил саҳна кўринишлари, талабаларнинг мавзуга оид чиқишлари билан янада жонли ўтишини таъминламоқда. Бу эса ўз-ўзидан ёшларнинг партияга бўлган қизиқиши ортиши ҳамда тадбирлар таъсирчанлигининг ошишида муҳим омил бўлаётир.

Мухтасар айтганда, баркамол авлод оила ёхуд сулоланинг эмас, жамиятнинг ҳам кўркидир. Ота-она, таълим масканлари, жамоат ташкилотлари, қолаверса, ёшлар яшайдиган, ўқийдиган муҳит баркамолликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Санъат инсонни тарбиялабгина қолмай, уни саодат сари бошлайди. Ёшларни мусиқа сирларидан воқиф қилаётган, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ақлини чархлашга катта ҳисса қўшаётган Навоий маданият ва санъат коллежи жамоасининг келгусидаги фаолияти ҳам шак-шубҳасиз эзгуликка дахлдор.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Назария ва амалиёт

# Маҳорат мактаби

**ёш кадрларга соҳанинг сир-асрорларини ўргатишни мақсад қилган**

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани улар фаолияти жаҳон андозалари даражасида тараққий этишида муҳим омил бўлаётир.*

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини фаоллаштириш, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш каби масалаларнинг ҳуқуқий ечимига қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуси илгари сурилди. Жумладан, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамда медиа тузилмалари ишини фаоллаштириш, улар томонидан брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш масаласи алоҳида нормаларда акс этмоқда. Шунингдек, ОАВнинг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш каби масалаларнинг ҳуқуқий ечими акс эттирилмоқда.

Дарҳақиқат юртимизда бугунги кунда малакали журналист кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети алоҳида ўрин тутади.

— Истиқлол шарофати билан қабул қилинган қатор қонунлар ижодий жамоалар фаолиятини замонавий мезонлар асосида шакллантириш, факультетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини оширишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда, - дейди факультет декани Маҳлиё Мирсоатова. — Бўлғуси журналистларга соҳанинг назарий асослари билан бир қаторда амалиёт сирларини ўргатишда ихтисослик кафедралари ғоят муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда факультетимизда ихтисослашув масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўқув режаларида журналистик таълим ихтисослигига йўналтирилган предметлар тўлиқ ўз аксини топган. Бунинг ижобий самараси ўлароқ факультетимиздан етишиб чиқаётган кадрлар республикамизнинг турли оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, журналистика факультетида таълим сифатини ошириш, бўлғуси журналистларга соҳанинг назарий асослари билан бир қаторда амалиёт сир-асрорларини ўргатиш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир кафедрага тажрибали профессор-ўқитувчилар ва малакали журналистлар жалб этилиб, факультет қошида “маҳорат мактаби” ташкил этилди. Унда талабалар “Журналистик текширув”, “Кино журналистикаси”, “Журналистик фаолиятда таҳлил” “Адабий таҳрир илмий мактаби”, “Нашриёт ишлари” “Парламент журналистикаси” каби йўналишларда журналистика соҳасининг амалиёт сирларини назария ҳамоҳанглигида ўрганмоқда.

— Бугунги кунда парламент журналистикаси янги кириб келаётган йўналишлардан ҳисобланади, - дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Эътироф этиш жоизки, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар ҳамда мамлакатни модернизация қилишда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳотлар фаол тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифалардан саналади. Мазкур масалаларни изчил амалга ошириш, ёш кадрларга соҳа сиру асрорларини тушунтиришда ташкил этилган маҳорат мактабларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

**Асила ИБРАГИМОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

Конференция

# Давлат дастури

**тарғибот ва ижросида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади**

*Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ роли ва вазифалари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.*

Тадбирда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг қўламда ёритиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва журналистларнинг касб маҳоратини янада такомиллаштириш учун методологик базани мустаҳкамлашни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, анжуманда келажак авлоднинг соғлом дунёга келишида тиббиёт ходимлари зиммасидаги вазифалар, мамлакатда ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш борасидаги тажриба ва амалиётлар хусусида соҳа мутахассислари томонидан батафсил маълумотлар берилди. Ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, бўш вақтини самарали ўтказишга шароит яратиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам фикр юритилди.

Тадбир давомида иштирокчилар жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрловчи, юксак интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга баркамол авлодни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қамраб олувчи Давлат дастурида ушбу вазифалар ижроси учун масъул бўлган қатор вазирлик ва идоралар фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Инчунин, журналистлар малакасини ошириш ва маҳаллий ОАВ фаолиятини янада такомиллаштириш, муаллифлик материаллари сифати, ғоявий ва бадиий даражасини яхшилаш, Давлат дастури билан боғлиқ аниқ мавзуларни ёритиш бўйича билим ва кўникмалар базасини шакллантириш муҳим масалалар сирасига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбирда марказий ҳамда ҳудудий нашрлар ходимлари иштирок этиши бу борадаги ишлар қўламини янада кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

**Д.РЎЗИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Тадбир

# Ёш олимлар ва иқтидорли талабалар

**илмий фаолияти доимий эътиборда**

*Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжумани Олий таълим тизимида ёш олим ва талабаларнинг илмий фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланди.*

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар бугунги кунда тизимда олиб борилаётган амалий ишлар, айниқса, ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган олимпиада ва конференциялар, истиқболдаги вазифалар хусусида атрофлича фикр юритди.

Анжуманда таъкидланганидек, Олий таълим муассасаларида “Талабалар илмий-ижодий жамияти” ва “Ёш олимлар кенгаши” ташкил қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ ёш олимлар, иқтидорли талабалар давлат маблағлари ҳамда хўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган ишланмаларга кенг жалб этилмоқда. 2010-2013 йилларда давлат грантлари асосидаги тадқиқотларда иштирок этган иқтидорли талабалар сони 1400 нафардан 3000 нафарга ошган бўлса, изланувчилар сони 500, катта илмий ходим-изланувчилар сони эса 230 нафарга етган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Бизнинг шарҳ

# АСРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҲИМОЯЛАШ

**Испания халқ партиясининг асосий ғояларидан бири саналади**

***Сиёсий партиялар — давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий ҳокимиятга эришиш ҳамда бошқариш мақсадига қаратилган маълум бир давлатнинг сиёсий ҳаётида фаолият олиб борувчи ва халқнинг қўллаб-қувватлашига интилувчи ташкилотдир. Буни Испания мисолида кўрадиган бўлсак, мамлакат Европа минтақасида нисбатан кўп сиёсий партияларга эга давлатлар қаторига киради.***

Бугунги кунда бу ерда 500 дан ортиқ сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари рўйхатга олинган. Кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда аксарият сиёсий кучлар кичик ташкилотлар сифатида фаолият олиб бораётган бўлса-да, улар мамлакат ривожи, юксалишида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Испания Халқ партияси мамлакатдаги энг йирик ўнг марказий партиялардан саналади. 1996 йилдаги сайловлардан сўнг 2004 йилга қадар етакчи партия бўлган. Бу даврга келиб Европадаги энг йирик сиёсий кучлардан бирига айланган партиянинг аъзолари сони 700 минг нафардан ортди. Асрий қадриятлар, урф-одат ва анъанавий турмуш тарзи тарафдори бўлган партия давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий эттиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

1976 йилда ташкил этилган мазкур партия дастлаб Миллий ҳаракатнинг собиқ аъзолари томонидан ташкил қилинганди. Партия дастлаб Халқ Альянси деб аталиб, у асосан давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, иқтисодий соҳада давлат улушини ошириш, экспорт ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтириш ва шу орқали мамлакатда ишчи ўринларини кўпайтириш асосий мақсадлари этиб белгиланган.

Айни пайтда эса партия солиқларнинг қисқартирилиши ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш тарафдори саналади. Халқ партияси, шунингдек, анъанавий тарзда Европанинг бошқа консерватив партиялари каби жамоат тартибини сақлаш соҳасида қатъий сиёсат олиб бориш мақбуллигини таъкидлайди. Қарийб 30 миллиондан зиёд аҳолига эга Испанияда турли миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Партия дастуридан айни шу масала ҳам четда қолмаган. Партия бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни таъминлаш муҳим асос ва аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Бугунги давр партиялардан доимо ҳаракатда бўлиш, мақсад ва вазифаларни бажариш йўлида кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишни талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда Испания Халқ партияси навбатдаги парламент сайловларига муносиб, янада фаолроқ иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Айтиш лозимки, партия инвесторларни кўпроқ жалб этиш ва ижтимоий лойиҳаларни ортиқча молиялаштиришни қисқартириш, давлат маблағини янада масъулият билан сарф этилишини таъминлаш, анъанавий оилавий қадриятларни ҳимоялаш тарафдоридир.

Испания халқ партияси Европарламентдаги Европа халқ партияси ҳамда Халқаро демократик иттифоқ таркибига киради. Маълумотларга кўра, 2011 йилдаги умумхалқ сайловларида энг кўп овозга (44,62 фоиз) эга бўлиб, парламентдаги 350 ўриндан 186 тасини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП) 1879 йили ўша пайтда мамлакатдаги энг йирик касаба уюшмаси ҳисобланган Меҳнаткашлар иттифоқи фаоллари томонидан ташкил этилган. ИСИП 1982 йилдан 1996 йилгача ҳамда 2004 йилдан 2011 йилга қадар ҳокимиятни бошқарган.

ИСИП ишчилар синфи манфааатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган. Партия Европа социал-демократик партиялари ғояларига таянади. Партия айни пайтда бутун мамлакатни қамраб олган ва 460 минг нафардан ортиқ аъзога эга. Улар турли минтақавий филиаллар, федерациялар ва уюшмаларга бирлашиб ҳаракат қиладилар. Улар орасида энг йирик ва нуфузлилари Андалусия, Каталония ҳамда Валенсиядаги филиаллар ҳисобланади.

Партия олдида турган ҳозирги муҳим вазифалардан бири — бу барча соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, мавжуд муаммоларни кўтариш ва уни бартараф этиш йўлларини излаш, бу борада аҳоли, айниқса, электорат билан алоқаларни янада яхшилашдандан иборат. Партия фаолларининг фикрича, бу борадаги ҳамкорлик мунтазамлик касб этиши даркор.

Мазкур партия оммавий ахборот воситаларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлиги, журналист масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. ОАВ жамиятни глобал ахборот макони билан боғловчи кўприк бўлиб, унда рақобатлашув, манфаатлар, қарашлар, фикрлар тўқнашуви, зиддият ва қарама-қаршиликлар кечиши табиий ҳол. Айни даврда ташаббус кўрсатиш, воқеа-ҳодисалар ва муаммоларни қидириб топиш журналистларнинг асосий вазифасидир. Зеро, жамиятдаги ахборот алмашуви, фикрлар хилма-хиллиги ва такомиллашиб бориши мамлакат ривожига, барқарорликка хизмат қилади.

Мамлакатдаги сиёсий кучлардан яна бири — Бирлашган сўллар бўлиб, 1986 йили республикачи партиялар томонидан тузилган сиёсий блок ҳисобланади. Блокдаги етакчи ўрин Испания коммунистик партиясига тегишли. Шу сабабли блокдаги бош координаторлик лавозими шу партия етакчилари томонидан эгалланади. 2008 йилда партиянинг аъзоси блок таркибида 48 минг нафарни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда улар сони бир неча баробарга ошган. Партия фаолияти Марказий кенгаш томонидан тартибга солинади. Кенгаш бюджет, ташкилий ишлар, режалар, партия дастури билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун йилига уч марта чақирилади. Сўнгги вақтларда сайловларда асосан "яшиллар" билан бирлашиб келмоқда.

Испанияда йирик партиялардан ташқари кўплаб минтақавий партиялар ҳам фаолият кўрсатади. Хусусан, Конвергенция ва иттифоқ, Наварра халқ иттифоқи, Валенсия иттифоқи, Андалусия партияси, Арагон ҳудудий партиялари шулар жумласидандир.

**Сарвар БЕГИМОВ**

Рангин дунё

# Бангладеш миллий музейи

***Осиёнинг жанубида жойлашган Бангладеш шимол ва шарқда Ҳиндистон, жануби-шарқда Мьянма билан чегарадош. Мамлакатнинг жанубий сарҳадларини Бенгал бўғози ювиб туради. Пойтахти Дакка. Умумий майдони 143998 км2. Аҳолиси 127 млн.дан зиёд.***

Эртакнамо мамлакатда туризм унчалик ривожланмаган бўлсада, ҳар қандай инсонни ҳайратга сола оладиган диққатга сазовор жойлари жуда кўп. Айниқса, Дакканинг эски шаҳар қисмидаги XVII асрга оид Лаъл Боғ қалъаси, Пари Биби саганаси, шунингдек, каттаю кичик шарқона бозорлар мамлакатнинг юзи ҳисобланади. Бангладеш миллий музейи шаҳарнинг айнан шу қисмида жойлашган бўлиб, амалий санъат, тўқимачилик ва археологияга тааллуқли ноёб артефактларни ўзида сақлаб келмоқда.

Музей 1913 йилнинг 20 мартида ўз фаолиятини бошлаган. Мамлакатдаги энг йирик музей экспозициялари 4 қаватли бино ҳамда Қирол саройи залидаги филиалида намойиш қилинади. Кўргазма залларидан ташқари музей тасарруфида кутубхона, учта лекторлик аудиторияси ва бир қанча бадиий галереялар мавжуд. Экспонатлари эса ўн мингдан зиёд. Улар орасида тасвирий санъат асарлари коллекцияси, эрамизга қадар яратилган қадимий ёдгорлик ва буюмлар, ҳайкалтарошлик намуналари, гобелен, қурол-аслаҳа ва бошқа ноёбликлар учрайди. Миллий музей этнографик, амалий санъат, қадимги тарих ва санъат кафедралари, шунингдек, замонавий ва кўҳна дунё цивилизацияси каби бўлимлардан иборат.

Бангладеш миллий музейининг биринчи қаватдаги асосий залига шоҳона пиллапоя бўйлаб ўтилади. Мазкур зал 22 та алоҳида экспозициядан иборат бўлиб, бу ерда мамлакат харитаси ва бенгаллар рамзи бўлмиш қирол йўлбарси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилган. Қаватдаги барча экспозициялар археологик топилмалар, этнографик ва амалий санъат буюмлари учун ажратилган. Музейнинг энг катта тўқимачилик бўлимида Дакка матосидан тикилган сарилар ўрин эгаллаган. Бундай мато фақат қўлда тўқилган бўлиб, ўзининг нозиклиги билан ажралиб туради. Экспозицияда эркаклар либосларига ҳам алоҳида урғу берилган. Шу боис, кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида бенгалларга хос миллий либосларнинг хилма-хили учрайди. Кантха — Бангладешнинг анъанавий каштачилик намуналаридан бири ҳисобланади. Кўргазмага қўйилган ушбу каштачилик намуналаридан маҳаллий чеварлар нафақат кўрпа тикиш, балки нозик шойи матолар тўқишда ҳам кенг фойдаланишган.

Қолаверса, музей этник қабила вакилларига оид экспонатлар учун ҳам жой ажратган. Қабилалар ҳаёти кийим-кечаклар, турли хил тақинчоқ ва рўзғор буюмлари мисолида кўрсатиб берилган. Хусусан, лой ва сополдан ишланган кулолчилик намуналари, ўзининг ноёблиги билан ажралиб турувчи қадимги чолғу асбоблари, кумуш ва олтиндан ишланган заргарлик буюмлари томошабинни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бундан ташқари, қўғирчоқлар, металл ҳайкалчалар, ёғоч ўймакорлиги ва антиқа шакл-шамойилга эга буюмлар ҳам музей экспозициялардан муносиб жой олган.

Музейнинг иккинчи қаватида мамлакат ҳаётини тўла-тўкис акс эттирувчи фотосуратлар намойиш қилинган бўлса, учинчи қаватда иккита кутубхона ҳамда учта халқаро бадиий галерея фаолият юритади. Галереяда асосан корейс, форс ва швейцар тасвирий санъат мактабига оид асарлар кўргазмаси йўлга қўйилган. Бинонинг тўртинчи қаватида доимий равишда музей коллекциялари тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи семинар-тренинглар, кеча ва учрашувлар ўтказиб турилади.

"Миллий" мақоми музейга анча кейин, 1983 йилнинг ноябрида берилган. Ўшандан буён музей ўз коллекциясини бойитиш масаласига жиддий киришди. Натижада музей ўта ноёб тарихий ва маданий ашёларга эга бўлди. Музей экспонатларга бойий бошлагач, унинг ҳудудини янада кенгайтириш зарурати туғилади. Шуни инобатга олган ҳукумат музейга Қирол ёхуд Пуштиранг саройнинг битта залини ажратди. Мазкур сарой мамлакатдаги биринчи рақамли зиёратгоҳдир. Сарой 1869 йили Дакка шаҳрида бунёд этилган. Кўринишдан сарой ҳинд ўймакорлиги услубида ишланган қутичага ўхшаб кетади. Пуштиранг сарой тез-тез қўлдан қўлга ўтганига қарамай унинг меъморий ечимига путур етмаган. Маҳаллий ҳукмдорлар, инглиз колонизаторлари забтидан омон қолган архитектура ёдгорлиги мамлакатнинг шонли ва аянчли тарихидан сўзлаётгандек, гўё. Сарой бағридаги миллий музей филиали зиёратчиларни Бенгал қироллиги, унинг шоҳона ҳаёти билан таништиришдан асло чарчамайди. Зеро, Бангладешга олиб борувчи йўллар миллий музей орқали туташади.

**Зафар МУҲАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Кучли зилзила

**Тарқатилган хабарларга қараганда, Чили қирғоқларида содир бўлган сўнгги зилзила Икике шаҳридан 19 километр жанубда юз берган.**

Ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 8,2 баллни ташкил этган. Табиий офатдан 500 нафардан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Уч мингдан ортиқ уйлар вайронага айланган. Бир миллионга яқин аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган, шунингдек, қирғоқ ҳудудларида жойлашган мактаблар фаолияти вақтинча тўхтатилган.

## Сув остида энергия

**Испания ва Шотландиялик олимлар ҳамкорликда денгиз оқимларининг кучидан электр энергияси олиш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда.**

Хусусан, испаниялик олимлар Шотландиядаги ороллларнинг бирида денгиз қаърига махсус сув агрегатини туширган. Мутахассисларнинг фикрича, сув остидаги кучли оқимдан электр энергияси ҳосил бўлиши мумкин. Хабарларга қараганда, қурилма жорий йилнинг охирига бориб ишга туширилади. 2015 йилга бориб эса тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлайди.

## Портловчи модда зарарсизлантирилди

**Қоҳира университетида портлаш рўй берган.**

Мисрдаги энг йирик олий даргоҳлардан бири Қоҳира университетининг муҳандислик факультети яқинида икки соат ичида кетма-кет уч маротаба портлаш содир этилган. Оқибатда ўнга яқин фуқаролар жиддий зарар кўрган, икки киши ҳалок бўлган. Жабрланганлар орасида аёллар ва ёш болалар ҳам бўлган. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан навбатдаги портловчи модда зарарсизлантирилган.

## Чегара билмас "касаллик"

**Дунё бўйича наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишидан топилган даромад 600 миллиард долларни, яъни жаҳон савдо айланмасининг қарийб 8 фоизини ташкил этмоқда.**

БМТ томонидан тайёрланган ҳисоботга кўра, ҳар йили 1 ярим триллион долларгача бўлган наркотик моддалар мусодара қилинмоқда. Наркотик моддалар билан ноқонуний савдоларни амалга ошираётган маҳаллий жиноятчилар фаолияти трансмиллий жиноятчи ташкилотларга бориб тақалмоқда. Шунинг ўзи ҳам гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири эканидан далолат беради. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳозир сайёрамизнинг 200 миллиондан зиёд аҳолиси турли хилдаги гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишади.

## Инқироз таъсири

**Грециядa аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тушиб бормоқда.**

ЮНИСЕФ болалар жамғармаси томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, мамлакатда кузатилаётган иқтисодий инқироз, ижтимоий харажатларнинг қисқартирилиши оқибатида тиббий хизмат қониқарсиз аҳволга тушиб қолган. Бундан кўпроқ болалар, ёш фарзандли аёллар азият чекмоқда. Шунингдек, ота-оналарнинг ишсизлиги ҳам мамлакатдаги қарийб 690 минг нафар болаларнинг қашшоқликдан қийналаётганига сабаб бўлмоқда.

*Интернет хабарлари асосида*
*Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

Анжуман

## Маънавият зиёси

**ҳар бир хонадонга кириб бормоқда**

*Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида "Ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий воситалари" мавзусида анжуман ташкил этилди.*

Унда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларимизни ҳар жиҳатдан баркамол, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизнинг таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларида ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқларимиз аҳамияти ёшларга ҳаётий мисоллар ёрдамида ҳалқчил тилда тушунтириб борилаётгани ҳам айни шу мақсадга қаратилган. Таниқли олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат арбоблари иштирокида ўтказилаётган "Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларимизнинг ўрни", "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Ёшлар экстремизмга қарши", "Оммавий маданият" — маънавият кушандаси" каби мавзулардаги илмий анжуман, учрашув, давра суҳбатлари ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни кучайтириш, юртимиз ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан жорий йил давомида 15 номдаги китоб ва услубий қўлланма, 8 номда 25 минг нусхада буклет ва 80 минг нусхада плакатлар мажмуи тайёрланди. Қолаверса, 30 га яқин турли долзарб мавзуларда слайд, материал ҳамда йўриқномалар тарқатилди. Маънавият тарғибот маркази томонидан эса "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилаётган маърифий тадбирларда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳам қамраб олинмоқда. "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" ижодий кўрик-танлови эса маънавий тарғибот ишларни самарали йўлга қўйган, фаол ва изланувчан ёшларни аниқлаш, муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Анжуманда ёшлар маънавий тарбиясига оид лойиҳалар бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз**

Кўргазма

## Баҳорнинг сокин, хушбўй ифори

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида таниқли кулол, "Шуҳрат" медали соҳибаси Назира Қўзиеванинг шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмага ижодкорнинг ўнлаб асарлари қўйилган. Унда иштирок этган рассомлар, санъатшунослар, турли касб эгаларининг таъкидлашича, асарлар замонавий руҳ ва маҳорат билан яратилган. Уларда биз фалсафий, фазовий фикрлашни, бадиий кулолчиликдаги нафисликни кўрамиз. Н.Қўзиева кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмалар, фестиваллар қатнашчиси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Асарлари республикамиз ва хорижий мамлакатларда ҳам кенг тарқалган.

**Ҳ.АБДУНАЗАРОВ**

Ҳунарманд

# "Минтақанинг энг яхши устаси"

**малайзияликлар Ўзбекистон халқ устасига ана шундай баҳо беришди**

***Ганчкорлик ўта зийраклик ва сабр-тоқат талаб этувчи ҳунардир. Уни ўрганиш инсондан малака ва матонат талаб этади. Уста кеча-ю кундуз шу мақсад йўлида тиним билмайди. Ҳар қандай мураккаб шароитда ўз кучи ва иқтидорига ишонган уста кўзлаган мақсадига эришади, албатта.***

Ўтган асрнинг етук ганчкори сифатида ном қозонган Асрол Мухторов ана шундай туғма истеъдод эгасидир. Уста Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини таъмирлашда иштирок этган. Шунингдек, Ҳамдўстлик давлатларининг энг нуфузли дам олиш уйлари, жамоат бинолари, меҳмонхоналар, маданий-маиший иншоотлар қурилишида ҳам фаол қатнашиб, бор маҳоратини кўрсатган.

XXI аср Тошкент ганчкорлик мактаби услубидаги асарлар мукаммал кўринишга эгалиги билан ажралиб туради. Юксак маҳорат, ниҳоятда нозик ва заргарона ишланган асарлар беками-кўст бажарилган гўзаллик оламидир. Текисликдаги барча композициянинг ички ва ташқи тузилиш тизими, пластик ечими, ҳар бир қисми умумий қонун-қоида ва аниқлик асосида амалга оширилади. Шу маънода, А.Мухторов мактабини аниқлаш ҳақиқий санъат шайдоси учун қийин кечмайди. Устанинг ўзига хос услуби, композицион йўли, унга ишлов беришдаги мукаммаллиги, юксак маҳорати шундоққина сезилиб туради. Асрол Мухторов чинни, ойна, панжара, ганч, тошойна, миниатюра, керамика, фаянцда ишлаб, уни пишитиб поёнига олиб чиқа оладиган моҳир усталар сирасига киради. Ганчлари қуйма тилладай унга жило бериб, кўзларни қамаштириб юборади.

Уста пардоз турлари, унинг хилма-хил кўринишларини битта таглик-асосда ишлаб, ўзаро жамлаган ҳолда юзага чиқариш хусусиятига эга. Шоштепа, Кампиртепадан олинган қадимий ганчкорлик услуб ва анъаналари, Далварзинтепа миниатюраларидан олинган манбалар ганчкорнинг кейинги изланишларига асос бўлди. Унинг вужудини қамраб олган инжа туйғулар замонавий ганчкорлик руҳига сингиб кетди. Айниқса, кўҳна моделлар асосида қилган изланишлари ўзбек ганчкорлиги санъатига янгилик олиб кирди.

Мустақилликнинг илк йилларида уста ҳақиқий маънода ижод билан шуғулланди. Шу пайтгача эгаллаган билим ва тажрибасини ҳаётга татбиқ қилиш, шогирдлар етиштириш, қолаверса, мустақил фаолият кўрсатишга бел боғлади. Айнан ўша йиллари уста ва шогирдлари Алоқа вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Юнусобод сузиш мажмуаси, Мўйин Халфа Эшон Бобо зиёратгоҳи, Чирчиқдаги кимёгарлар саройи, Тошкент телеминорасининг кўк зали, Аэропортдаги ганчкорлик ишларини бажаришди.

Ижодкор бугун ҳам изланишда. Ўзи топган ижодий янгилик, қирраларни янги композицияга техник ва технологик жиҳатдан сингдириш, ижодий мукаммаллик ва баркамолликка интилиш, янги-янги экспериментлар ўтказиш, композицияни янги объектнинг характеридан келиб чиқиб, унга мос янги услуб ва йўналишларини, тизимларни топиш, юксак ифодавий қўлам, маҳорат бобида мукаммал санъат асарларига қўл урди. Унинг асарларида шу пайтгача учрамаган уйғунлик, ягона ансамбль, кенг кўламдаги анъанавий ва замонавий унсурларни учратиш мумкин.

Уста халқаро миқёсдаги эътирофга лойиқ кўрилди. Яқинда Малайзия телерадиокомпанияси Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари бўйлаб сафар уюштирди. Улар ана шу давлатлардаги уста-ҳунармандлар билан учрашиб, туркум кўрсатувларни суратга олишди. Асрол Мухторовнинг устахонаси ҳам малайзиялик тележурналистлар эътиборидан четда қолмади. Устахона болохонасидаги ганч намуналари кўрсатув ижодкорлари томонидан юксак баҳоланди ва уста "минтақанинг энг яхши устаси" махсус белгиси ва дипломи билан тақдирланди.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**санъатшунослик фанлари доктори**

Мутолаа

# Китоб — улкан мўъжиза

*(ЎзА) олган сурат.*

***Маълумки, биз китобларни тури, мақсад-мавзуси ва аҳамиятига қараб ўрганамиз. Бадиий, ижтимоий-сиёсий, қадимий ва шу каби турдаги китоблар орқали ўсиб келаётган ёш авлод, қолаверса, ҳар бир китобхон билим савиясини оширади, тафаккурини ривожлантиради, фикр доирасини кенгайтиради ва маънавий-руҳий озуқа олади. Буюк мутафаккир шоир Абдурраҳмон Жомий шундай деган: "Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўқ, унда юз роҳат бор, ҳеч қачон озори йўқ". Бу борада Суқрот ҳам фикр юритиб: "Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик — жаҳолат", деган экан.***

Мактабимиз қошида ташкил қилинган ахборот-ресурс марказида жами 2700 та адабиёт мавжуд бўлиб, шундан 1965 таси бадиий адабиётлардир. Кутубхона ходимларининг диққат-эътибори мустақил республикамиз учун комил инсонларни тарбиялаш, уларда-ги она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни онгига сингдириб боришга қаратилаяпти. Жумладан, биргина 2013-2014 ўқув йилларида нашрдан чиққан янги бадиий адабиётлар кўргазмалари, маърифий тадбирлар, энг қизиқарли нашрлар тўғрисида библиографик суҳбатлар уюштирилмоқда. Кутубхона видеотекасидаги фильмлар намойиши, шунингдек, маҳаллий ёзувчи ва шоирлар иштирокида учрашувлар ўтказиб турилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бугунги китобхонлар ҳам ҳар хил. Бир гал танишим синф кутубхонасидан бир неча бадиий китоб сўради. Мен истар-истамас унинг хоҳишини бажардим. Чунки унинг китоб ўқиганлигини, мутолаа қилганлигини билмайман. Қарангки, орадан бир-икки ой ўтгач ўзим уйига бориб китобларни зўрға қайтариб олдим. Баъзилар эса умуман қайтариб бергиси келмай, "ҳа шунга ҳам шунчами, бир китоб бўлса", деб кесатади. Бундай кўнгилсиз ҳоллар баъзида ўқувчиларимиз орасида ҳам учраб туради.

Кутубхона ходимлари ва педагогларнинг асосий вазифаси ёш авлод қалбида халқимизнинг маданий, маърифий, тарихий ёдгорликларини, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эътиқод туйғуларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бунда эса ўқувчиларнинг китобга бўлган муносабатларини яхшилаш, муҳаббатини ошириш керак, деб ўйлайман. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатлари ва турли электрон оммавий ахборот воситалари китобхонни катта адабиётдан бироз бўлса-да узоқлаштириб қўймоқда. Бироқ, китоб — улкан мўъжиза, ундан асло юз ўгирмаслигимиз лозим. Кўп китоб ўқиган кишининг фикрлаш доираси кенгайиб, дунёқараши мустаҳкамланади.

**Шаҳло ФАЙЗИЕВА,**
**Жиззах туманидаги**
**36-умумтаълим мактаби**
**ўқитувчиси**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Кўз касалликлари давоси

**Глаукома сурункали ривожланиб борувчи кўз касаллиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда касаллик белгиларини вақтида аниқлаш ва унинг ривожланишини тўхтатиш самарали даво усулларига ҳам боғлиқ. Унинг асосий кўрсаткичлари — кўз ичи босими меъёрида бўлиши ва кўриш майдонидаги нуқсонларнинг кўпаймаслигидир.**

Касалликнинг эрта босқичида инсоннинг одатдаги турмуш тарзи чегараланмаса-да, беморлар қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари фойдадан холи бўлмайди. Бундай пайтда инсон меҳнат фаолиятини давом эттириши мумкин. Бироқ меъёрдаги уйқу ва ҳордиқ унга зарар қилмайди. Ишлаш ёки ўқиш жараёнида чироқ чап томонда жойлашган бўлиши, ёруғлик етарли даражада тушиб туриши керак. Ҳар бир соат ичида 10-15 дақиқа танаффус қилиш лозим. Кўзлар учун тавсия қилинадиган гимнастика ҳам жуда фойдали бўлиб, бунда девор юзасида фараз этилган доира бўйлаб кўзни аввал бир, кейин тескари томонга ҳаракатлантириш тавсия этилади. Соғлигингизга эътиборли бўлинг. Негаки, юрак ва ўпка касаллигининг хуружи, қандли диабет, бош мия қон томирларининг атеросклерози, жигар хасталиклари кўриш аъзоларига салбий таъсир этиши мумкин. Глаукомада алоҳида бир парҳез тутиш шарт эмас. Фақатгина рационал овкатланиш тартибига риоя этилса бўлгани. Таркибида бета-каротин ва витамин А (сабзи, черника, петрушка ва ҳ.к.) бўлган масалликлар ҳамда В гуруҳига кирувчи витаминларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Спиртли ичимликларни ичиш қатъиян ман этилади. Касалликни ўзингизча даволашга уринманг. Даволовчи офталмолог кўригидан камида уч-олти ойда бир марта ўтиб туриш кутилган самарани беради.

БИЛАСИЗМИ?

Швеция ўрмонзорларининг бирида "кўринмас" меҳмонхона фаолият юритади. Мазкур меҳмонхона дарахт устига қурилган бўлиб, "қуш уяси", "ниначи", "НУЖ" деб номланган бир нечта уйларни ўз ичига олган. Меҳмонхона уйларининг устки қисми кўзгу панеллари билан қоплангани учунми ўрмондаги уйлар кўзга ташланмайди.

* * *

Ҳар куни Ерга ўн минг тоннага яқин коинот чанги тушади.

ТУРФА ОЛАМ

## 3300 йиллик сағана

**ИСРОИЛ ШИМОЛИДАГИ САРИДА ВА РАМАТ-ГАБРИЭЛ ҲУДУДИДАН ҚАДИМГИ МИСР АНЪАНАЛАРИГА КЎРА ДАФН ЭТИЛГАН САҒАНА ТОПИЛГАН.**

Сағананинг мисрликларга тегишли экани унда мавжуд фиръавн рамзи туширилган узук орқали аниқланди. Қолаверса, дахмага қўшиб кўмилган сопол идишлар, бронзадан ишланган ханжар, танга ва шунга ўхшаш буюмлар сағана ҳақиқатан ҳам Миср фиръавни хизматчиларидан бирига тегишли эканини исботлаб берди. Қадимшунослар таъкидлашича, шу кунгача Исроилда учрамаган лойдан ясалган дахма ва инсон шаклидаги қопқа, шунингдек, эрамизга қадар 1290-1278 йилларда ҳукмронлик қилган Миср фиръавнига тегишли узук-муҳрнинг топилгани кутилмаган воқеа бўлган.

## Қувватни қуёшдан олади

**ШВЕЙЦАРИЯЛИК ИНЖЕНЕРЛАР ҚУЁШ БАТЕРЕЯЛАРИДА ИШЛАЙДИГАН, ҲИСОБ БЎЙИЧА ИККИНЧИ "SI2" УЧИШ АППАРАТИНИ ЯСАДИЛАР.**

Мутахассисларнинг гапига қараганда, ушбу самолётнинг илк парвози 2015 йилда бўлиб ўтиши кутилмоқда. Янги учиш аппарати битта командирга мўлжалланган бўлиб, қанотларининг узунлиги 72 метрни, оғирлиги ярим тоннани ташкил қиларкан. Парвознинг бехатар ўтиши учун самолётга 17 мингдан зиёд қуёш батареялари ўрнатилган. Шу боис, ҳаво кемаси 8,5 минг километр баландликка бемалол кўтарила олади. Қуввати эса 70 от кучига эга. Қуёшдан қувват олиб учадиган самолёт шу йилнинг май ойидан бошлаб бир неча бор синовдан ўтказилиши режалаштирилган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фракция аъзоси Ўрол Хаитовга отаси

**Хаит бобо ОРТИҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзсаноатқурилиш» банкнинг Олмазор филиалига тегишли № 1131574, 1131573, 1131575, 1201850, 1202451 рақамли патталар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛАНАДИ.**

**«SHAYXONTOHURINVEST»** давлат корхонаси қошида ташкил этилган **«SHAYXONTOHURNURONIY»** шўъба корхонаси ўз фаолиятини 2014 йилнинг 1 апрелидан тугатилишини маълум қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 427, Адади — 11716. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Муҳтарама КОМИЛОВА
**Навбатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА
**Сахифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.30.
*ISSN 2010-7714*
1 2 3 4 5